

МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОНИМИЗ АБАДУЛ-АБАД ГУЛЛАБ-ЯШНАСИН!

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 5 ЙИЛЛИГИ БАЙРАМИ ТАНТАНАЛАРИДАГИ

ТАБРИК СЎЗИ

Ассалому алайкум, азиз
дустлар!

Мухтарам меҳмонлар!
Азиз юртошлар!

Бугун биз ўзбек
халқининг кўп асрлик тари-

ҳида буюк ва муътабар сана

— Ўзбекистонимиз

мустақиллигининг беш йил-

лигини нишонламоқдамиз.

Беш йил муқаддам эски

мустақиллик ва мустақил

тузум кўшанларидан ҳалос

булиб, овоз ва обод ҳаёт

қуришга, тараққий тошган

демократик давлатлар

қаторида ўзимизга муносиб

урин эгаллашга қатъий азму

қарор қилдик.

Беш йил башарият

тарихида — бир зум, бир

дақиқа, ҳолос. Лекин шу

қисқа даврда биз босиб ўтган

масофа бошқалар ўн йиллар,

балким асрлар давомида

босган йул билан тенг, десак

ҳеч қандай хато бўлмайди.

Мустақиллик ўзбек

халқига уз юртида қалр

қиммати, буй-бастини, уз

маланияти ва аъналарини,

дину эътиқодини, тили ва

маънавиятини қайта

тиклаб олишга, миллий

гурур ва миллий тафаккур,

Ватанга муҳаббат

туйгуларини камол топти-

ришга замин тугдирди.

Юртимизда яшаётган ҳар

қайси инсон учун, унинг

миллати, дину эътиқодидан

қатъий назар, тенг бўлиб

яшап, ягона уйимиз бўлиши

Ўзбекистонимизнинг бугун-

ги ва келажак ҳаётини қуриш

имконини яратди.

Жаҳон ҳамжамиятига

қириб бориш, барча давлат-

лар билан тенг ҳуқуқли

дустона алоқа ўрнатилган

имкониятига эга бўлди.

Гузал ва бетакрор

диримизнинг улкан табиий

бойлигидан, инсоний ва ин-

теллектуал имкониятлари-

мизлан тулик ва, аввалам-

бор, уз халқимиз манфаат-

лари учун оқилона фойдала-



бугун «Ўзбек модели» деб ном

олган дастур асосида марказга

қарам бўлиб хомашё етказиб

берилган бир еклама ҳолатдан

чиқариб, замонавий

тараққийат йулга

утказмоқдамиз.

Тараққий тошган давлатлар

тажрибаси ва билими,

улариин ердими таяниб,

шу билан бирга, уз миллий

хусусиятимизга ва халқ

мафқурасига асосланиб,

инсон ҳуқуқлари ва

эркинлигини эъозлайдиган

янги демократик ва

фақаролик жамияти қуриш

йўлида анча ютуқларни қўлга

киридик.

Албатта, биз эришган

натижалар — марралар,

авваламбор, огир ва

машаққатли меҳнат эвазига

булаётганини яхши тушуна-

миз. Ҳали одимизда не-не

қийинчиликлар, муҳим

синовлар турганини ҳам

чүкур англаймиз.

Лекин мен бугун

халқимизни ишонтириб

айтмоқчиманки, беш йил

ичида бошимиздан кечирган

ҳаётимизнинг энг

машаққатли, энг мураккаб

дамлари ортда қолди.

Утган йили Мустақиллик

байрамида, мана шу юксак

минбарга туриб: «1996 йил

Ўзбекистонимиз учун

юксалиш йили бўлажак!» деб

ишонч билдирган эдим.

Худого минг қатла

шукроналар бўлсинки, биз-

нинг эзу ниятларимиз рубга

чиқмоқда. 1996 йилнинг

биринчи ярми якунлари

шунга яққол курсатмоқдаки,

бу йил, ҳақиқатан ҳам, Ўзе-

бекистонимиз учун барқарор

юксалиш ва аҳоли турмуш

даражасининг яхшиланиш

йили бўлур, иншоолло.

Азиз дустлар, биродарлар!

Истиқлолнинг беш

йиллик тарихи бизга кўп

сабоқлар берди. Ақлимизни

чархлади, кузимизни очди.

Ютуқлар қаторида камчилик-

ларимизни ҳам курсатиб бер-

ди. Беш йиллик тажрибадан

яқундан нафақат давлат

миқёсида, балки ҳар қайси

вилоят, ҳар қайси туман, ҳар

қайси хўжалик ва ҳар қайси

жамоа мисолида оқилона

хулоса чиқариш —

ҳаммамизнинг бугунги энг до-

лариб вазирамиздир.

Лунда қилиб айтганда, эски

замон асоратидан батамом

қутулишимиз керак. Янги дав-

ра муносиб бўлиш, далил ва

тадбиркор бўлиш,

боқимандалик балосидан, му-

теллик ва қарамлик кайфияти-

нинг қолган-қутган

сарқитларидан ҳалос

булишимизни ҳаётнинг узи

талаб қилмоқда. Биз

ҳаётимизда эркинлик ва де-

мократия тамойиллари чин

маънода устувор бўлишига

эришимиз керак.

Хур жамиятни, эркин

иқтисодни барпо этиш, инсон

имкониятларидан тула фой-

даланиш, унинг қилган

меҳнати, ақл-заковатига қараб

нафақат молдий, балки маъ-

навий баҳо ва рағбат бериш,

бир сўз билан айтганда,

халқимизни рози қилиш — бу

масалалар устида ҳали кўп

ишлашимиз керак.

Шу билан бирга: ҳар қайси

жамият аъзоси уз инсоний

ҳуқуқларини, ўз имкониятла-

рини тула англаб олиб, узини

мамлакатнинг ҳақиқий

фўқароси деб ҳис қилган ва

бугун қураётган жамиятимиз

ҳаётида фаол қатнашиб, уз

Ватанидан, уз заминидан, уз

тарихи ва халқидан

фахрланиш туйғусига эга

бўлган тақдирдагина биз уз

муродимизга етамиз. Ватан

ҳамма нарсадан муътабар ва

азизлигини, унинг номини эъ-

озлашда улғу бобомиз Амир

Темур сингари шарафлаш за-

рурлигини англаб, Ўзбеки-

стонга учмас муҳаббатни,

салокатни, фидойиликни дил-

га жо қилсақ, иншоолло,

кузлаган ҳамма

мақсадларимизга эришамиз.

Менинг энг катта

ишончим ва умидим — бугун

замонавий тарбия ва билим

олаётган, эндигина кучга

кираётган ёшларимиз, фар-

зандларимиздир.

Мустақиллигимиз билан

баробар тугилган болалари-

миз, ишончимиз бўлиб

қолар, иншоолло.

Менинг эзу тилагим:

Илоо, оналаримиз,

боболаримиз ва буилари-

мизнинг умрини берсин!

Еш авлодга —

кузимизнинг нури бўлмиш

азиз фарзандларимизга куч

қувват, ақл-заковат, гайрат

ва шижоат, битмас-тутанмас

омал доим ер бўлсин!

Азиз ватандошларим!

Бу саодатли онларнинг

сабабчиси — халқимизнинг

фидокорона меҳнати ва мар-

длиги, сабру қаноати ва ме-

хрур оқибати деб; эл-юрти-

мизнинг эсон-омон, тала-

фотсиз шу кунларга етиб

келиши, юртимизда тинч-

лик ва барқарорлик, тотув-

лик ва бирдамлик ҳукм

сураётганини Оллоҳнинг

марҳамати ва буюк инъоми

деб билмоғимиз керак.

Минг бора шукроналар

бўлсинки, бугун Ўзе-

бекистонимиз узининг сало-

ҳияти ва куч-қудратини

англаб, истиқболига ишо-

наб, Хумо қуши каби

қанотларини кенг езиб,

янада буюк парвозлар

сари отилмоқда.

Мана шу юксак минбарда

туриб, заҳматқаш ва

саховатли халқимизга, ешгу

кекса инсонларимизга та-

саннолар айтмоқчиман,

таъзим қилмоқчиман.

Муқаддас Ватанимиз

бахтига соғ-саломат бўлинг,

азиз юртошларим!

Барчангизга тинчлик-

омонлик, бахт-саодат,

юртимизга — Ўзбекистони-

мизга файзу барака тилай-

ман!

Истиқлолимизнинг беш

йиллиги байрами мўбарак

бўлсин!

Мустақил Ўзе-

бекистонимиз абадул-абад тур-

Далалардан дараклар ЧАНОҚЛАР ТАБАССУМИ

Бу йил пахта ҳосили кат-

та меҳнат, машаққатлар

эвазига етиштирилди. Кук-

ламнинг егингарчиликсиз,

ёзининг салқин келганлиги

деҳқонлар ташвишини

оширди. Бирок ўзбек деҳқо-

нига об-ҳаво ноқулайлиги

ҳеч қачон писанд бўлмаган.

Сурхондареликлар аграр со-

ҳаниннг барча тармоқлари

да тамал топи қуйишни

одат тусига айлантиришган.

Денов тумани заршуно-

лари ноқулайликларни тад-

биркорлик ва ишбилармон-

лик билан енгиб, пайшан-

ларда мул ҳосилга замин

яратмоқдалар. Айни пайт-

да мавжуд 13 минг гектар

майдонда гузалар серҳосил

бўлиб етилди. Шу кунларда

ҳар гул гузада луппи-луппи

очилган чанокларни қуриб

қузуқовонади.

Туман хўжаликларига

асосий хом ашё зангори ке-

малар ердамида йиғишти-

риб олинадди. Шу босдан

техникани м

ЎЗА БАҶГИНИ ТҶКИШ

Бу йилги шароитда ҳосил кеч етилганлигини ҳисобга олиб қисқа вақт ичида ўза бағри сифатли туқтирилганига терим машиналарига кенг йул очилди ва етиштирилган жом аше нест-нобул қилинмай қисқа муддатда йиғиштириб олинди. Шунинг учун даладари ўза вақтида ва сифатли дефолиация қилиш мумкин аҳамиятга эга. Бу талбирлар амалда оширишда доллардан унумли фойдаланиш лозим. Ўза бағри муддатидан илгари туқтирилса, ҳосилдорлик пасайишига ҳамда пахта толасининг бузилишига олиб келади. Агарда дефолиация муддати кечиктириб юборилса ҳам дефолиациянинг яхши сингмаслиги оқибатида, бағрлар тула туқилмайди, натижада терим чуқурлиги, пахтанинг ифлослиги ва намлиги ортиб кетади. Бағрларнинг 85 фоизи туқилганлигига аргетлар унумли ишлайди. Бу талбирлар ўза вақтида амалда оширилса ҳосил тез етилади ҳамда унинг асосий қисmini совуқ тушмасдан машиналарда йиғиш-териб олиш мумкин бўлади. Бу эса ҳосилдан бунга даладари ўза вақтида шудор қилиш ҳамда келаси йилда пахта замин яратиш имконини беради. Энди хозирги шароитни эътиборга олиб, қисқа муддатда ўзани дефолиация қилишда мағний хлорати, сикат, дроп, дроп-ультра ҳамда бошқа дориворлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Дефолиацияни ҳаво ҳарорати 17 даражадан паст бўлмаганда ўзакшиш қутилган натижага олиб берилади. Дефолиацияни ҳаво ҳарорати 17 даражадан паст бўлмаганда ўзакшиш қутилган натижага олиб берилади.

Дефолиация бошлангичдан олинган барча пайкаллар агрономлар томонидан сиқиб олиб чиқарилиб қилиши ҳамда ҳар бир ҳужайра ва ҳар бир дала бўйича дефолиация ўзакшишининг табақалаштирилган муддатлари белгилаштириш лозим. Ўза бағрини талабга жавоб берадиган қилиб туқтиришни амалда ошириш учун дефолиация муддатини тури белгилаш, дориворларни тури танлаш ҳамда уларнинг аниқ миқдорда қўлланилиши боғлиқ.

Гектар ҳисобига сарфланадиган препаратлар меъьери ошириш асно ўза бағри бўлмайди. Акс ҳолда ўза бағри тез куриб қолади, аммо туқилмайди, қураклари бўймайди юборади, 10-30 кузлик қураклари туқилишига олиб келади, натижада ҳосил сифати ва миқдорига зарар еталади.

Турли навларнинг дефолиантлар таъсирига берилиши ҳар хил бўлишини ҳисобга олиш шарт. Бу ўрнида дефолиантларга кам таъсирчан ва ўза таъсирчан баъзи ўза навларини эслаш шарт. «Тошкент-6», «АН-Боевут-2», «С-6530» навларга кам таъсир қилади. Шу сабабдан уларга дефолиантлар юқори нормаларда ишлатилиш талаб этилади. Мағний хлоратни гектарига 10-12 килограмм, сикат гектарига 13 килограмм қўллаш мақсадга мувофиқ. Дефолиация ўза бағри бўлган ўза навларига «Фаргона-3», «Юлдуз», «Қирғизистон-3», «Наманган-77» ва «108-Ф»ларни келтириш мумкин. Уларга эътибор бериш шарт. Дефолиация ўза бағри бўлган ўза навларига «Фаргона-3», «Юлдуз», «Қирғизистон-3», «Наманган-77» ва «108-Ф»ларни келтириш мумкин.

Мағний хлоратни гектарига 6-10 килограммгача, сикатни гектарига 9-10 килограммгача қўллаш мақсадга мувофиқ. Ингичка толали навлар орасида «Қар-

ши-8» ва «Термис-24» дефолиантларга бир мунча таъсирчан ҳисобланади. Бу навларга «С-6037» га қараганда 20-25 фоиз кам лори сарфланади.

Ҳаво ҳарорати 17 градустан пасайса, юқорида келтирилган дефолиантлар меъьери 15-20 фоиз оширилади. Чунки меъьери аниқ белгилаш дефолиация сифатли бағриш таровидир.

Эталон сифатли олинган «АН-Боевут-2» нави учун қўлланилган дефолиант нормалари ўза бағри бўлган ўза навларга қўлланилса, бир қанча камчи-

Тавсия

ликларга олиб келади. Масалан, дефолиация ўзига дисциплна тушлари куришти ҳолати руй бериши мумкин. Қураклар қуйиш ва еш қуракларнинг туқилиши мумкин, тола сифати бузилади. Чигитда ёғ миқдори камайди ва натижада умуий ҳосил миқдори камайиб кетади. Шунинг учун ҳар бир нава таълиқли дефолиантлар қўлланилиши керак. Шундангина юқорида келтирилган камчиликларнинг оли олинган ва атроф муҳит ифлосланмайди.

Мағний хлорат препаратининг таъсири кучли, бағр туқималарини тезла сувсизлантиради, пуракланган келиш икки кун утга ҳаво бағрининг қовжираши бошланади. Ҳозирда мағний хлорат препарати ўрта толали гузалар учун асосий дефолиант бўлиб қолади. Шунинг эътиборга олиб ўзи қўллаш муддатларига риоя қилиниши керак. У аниқ миқдорда белгилаб олингани шарт. Шу билан бирга усимлик ҳолатига, ўза навларига алоҳида эътибор беришни талаб этади.

Ўза бағрини туқитиришда пурқаш муддати ва препарат

миқдоридан асло ҳатога йул қуйиб бўлмайди. Бу ишнинг сифатисиз бағрилишини ҳосилнинг камайиб кетишига олиб келади.

Дефолиацияни ер усти аппаратлари ерда ишлатиш мақсадга мувофиқ. Бунда, биринчидан, препаратларнинг таъсирчанлиги ортади, иккинчидан, атроф-муҳит мусаффолигига зарар етказмайди.

Қўлланиладиган мавжуд дефолиантлар экинга теккандигина таъсир этиш ҳусусиятига эга. Яъни улар тушдан бағрига туқилади. «ОВХ-28» русумидати аргетларда дефолиация ўзакширилганда бағрлар куп миқдорда туқилади, тақрибий дефолиация ҳолати қўллаш мумкин.

Қашқадарь, Сурхондарь, Самарқанд, Сирдарь вилоятларининг қуриқ ерларида дефолиантлар самолётлар ерда ишлатилади. Бунда бир гектар майдонга 100 литр эритма ишлатилади. Тракторларда қўлланилганда эса 200-300 литргача эритма солинади.

Мағний хлорат препаратининг сакланган қўлларига алоҳида риоя қилиш зарур. Агар у нам жойда сақланса таъсир кучи камайиб, яроқсиз ҳолат келиб қолиши мумкин. Бундай дефолиантлар ишлатилганда сифатисиз дефолиация ўзакширилишига олиб келади.

Дефолиантнинг иккинчи тури сикат натрий хлорат асосида яратилган бўлиб, бу дефолиант ўрта ва ингичка толали гузалар учун гектарига 13 кг ва 16-18 кг гача қўлланилади.

Оқорида келтирилган дефолиантларни қўллашда ҳар бир ҳужайрада арашамча таёйрлаб берадиган маркалаштирилган жой бўлиши шарт. Уруғлик учун ажадланган ўза майдонларини дефолиация қилиш тавсия этилмайди. Чунки у чигитга салбий таъсир қўрастиши мумкин.

Бирок Қишлоқ ҳужалик вазирилгининг алоҳида руҳсати билан қул кучи кам бўлган Сирдарь ва Жиззах вилоятларида уруғлик пахта майдонларининг фақат учинчи авлодига мансуб ўза навлари дефолиация қилинишига руҳсат этилади. Ҳузини дефолиация қилишда Германиянинг «Шеринг» фирмасининг дроп препаратини қўллаш мумкин. Бу препарат кам захарли бўлиб, оз миқдорда қўлланилади ва юмшоқ таъсир этувчи ҳисобланади. Бу дефолиант қўлланилганда, ўза бағри куқ еки ярым куруқ ҳолда туқилади. У ишлатилганда куқ қураклар пишиб етилади ва очилади. Бу препаратни ўрта толали гузда гектарига 0,5-0,7 кг. ингичка толали навларга 0,3-0,5 кг қўлланилади. Бу препарат ўрта ҳарорат 22-25 даража бўлганда самараси юқори бўлади, ҳарорат пасайиши билан самараси ҳам пасаяди, ҳарорат 18 даражадан пасайса бу препаратни қўллаш тавсия этилмайди.

Кейинги йилларда Германиянинг «АгроЭво» фирмаси ишлаб чиққан «дропп-ультра» препарати юқорида келтирилган камчиликлардан холи бўлиб, ҳароратнинг пасайиши препарат самарадорлигига таъсир этмайди. Бу препарат ўрта толали гузда усимлик риовожи ва қалинлигига қараб гектарига 0,6-0,8 кг. ишлатилади. Ҳароратнинг пасайишига қараб дефолиантни сарфлаш нормасини 10-15 фоизга ошириш мумкин. Дроп-ультра дефолиантини гузда 60-65 фоиз қурақ очилганда қўллаш лозим. Шунинг таъкидлаш лозимки, дроп-ультра етарли даражада намлиги булган далада қўлланилиши лозим, акс ҳолда яхши самара берайди.

А. УМАРОВ,
биология фанлари доктори.
Э. ҲАСАНОВ,
қишлоқ ҳужалик фанлари номзоди.

ДҶСТАЛК ҚАЛЪАСИ

Сония ШАЯХМЕТОВА,

«Таш ОР» акционерлик жамияти кадрлар бўлими бошлиғи

«Ўзқишлоқҳужаьтаьминотузатиш» давлат ширкат кумитасига қарашли «ТашОР» акционерлик жамияти цехларида тракторларга урнатиладиган двигателларни тулик тузатиш ишлари амалда оширилади, эҳтиёт қисмлар, деталлар ишлаб чиқарилади. Махсулотлар буйича ҳисобласак уртача йилига 180 миллион сумлик ҳамда иш бажарилмоқда. Бу ерда тузатилажак ҳар бир двигател, янги ясалган эҳтиёт қисмлар қишлоқ ҳужалигига ҳаводек зарур.

Жамоамиз корхонани «Дустлик қалъаси» деб атаб, ҳалол меҳнати билан уни ардоқлаб келаяпти. Бу ерда 800 ишчи-хизматчи, 18 миллат фарзанди қўлни қўлга бериб меҳнат қилади. Ҳар бир кишига ўз қобилиятини намоён этиш учун тула шарт-шароит яратиб берилган.

Мен корхонада 34 йилдан бери инспектор, кадрлар бўлимининг бошлиғи лавозимда ишлаб келаяпман. Шунча йил ишлаб, айирмачилик е диний-миллий, ирқий камситиш сабабли бирор марта низо келиб чиққанини эслай олмаيمان. Ишчи-хизматчилар бир-бирига устоз-шогирд, яхши-ёмон кунда узаро ҳамдам-меҳрибон. Мустаҳкам дустлик-аҳиллик корхонамизда бекиёс кадрли анъанадир. Уни давом эттиришга, мустаҳкамлашга ҳизмат қилаётган қатор омиллар бор.

Турли миллат вакиллари қардошлиғи, корхонани бошқаришда уларнинг иштироки шулар жумласидандир. Масалан «ТашОР» акционерлик жамияти бошқарувининг раиси Равшанбек Алимжонов ўзбек, унинг уринбосари Г. А. Пелик — белорус, А. Д. Одобецкий — украин, бош инженер И. А. Попов — рус, мотор цехининг бошлиғи А. Д. Ли — корейс, дам олиш зонасининг бошлиғи А. Жамолов — тожик, созлаш цехининг бригадир Т. Колменов — қозоқ, слесар-созловчи М. Дзика — грек...

Маъмурият корхонанинг бозор шароитида муваффақиятли фаолият юргизиши, жамоани яхши ҳақ олиб фаровон ҳаёт кечириши учун тадбиркорлик курсати, бор қобилиятини ишга солмоқда. Бош раҳбаримиз Равшанбек Хониевнинг Алимжонов жамоанинг орасидан етиштириб чиққан, ишчи-хизматчилар уни ҳурмат қилади ва ишонди.

Яхши эсимда, мустақилликнинг дастлабки пайтида жамоамизда ҳадиксираш, айирмаларда ҳафсаласизлик, ишдан бушаб, кучиб кетиш қайфияти сезилди. Уша нозик пайтда Равшанбек Хониевнинг мустақилликнинг аҳамиятини, мақсадини, Ўзбекистон ҳаммамиз учун суяқли Ватан бўлиб қолажанини тушутириб, одамларни ортдан эргаштириб, янги ҳаёт ишлашга илҳомлантирди. Раҳбаримиз ҳақ бўлиб чиқди. Зур иштиёқ-ла меҳнат қилиб, мақсад сари интилиб, кам бўлмадик, ҳаммамиз яхши ҳақ олиб, туқ-фаровон ҳаёт кечираяпмиз. Акционерлик жамиятига қарашли туртта-бешта қушма корхона, барча цехлар, участкалар республикамиз мустақиллигининг беш йиллигини муносиб меҳнат туьнаси билан кутиб олишмоқда. Двигателларни тулик созлаш, деталларни қайта тиклаш, эҳтиёт қисмлар ясаш, халқ истеъмолчи буюмлари ишлаб чиқариш буйича белгилаган саккиз ойлик режалар ортиғи билан бажарилади.

Қалъа ҳимоятчилари билан кучли бўлганидек, «ТашОР» корхонаси юқори мадақали, тажрибакор ишчи-хизматчилари, соғлом-ишчанлик муҳити билан бақувватдир. Дустлик турмушимиз беэағи, Ўзбекистоннинг самимий чехраси. Бу даргоҳта қувноқ-бахтиёр кириб чиқаётган турли миллат вакилларига кўзим тушар экан, шотланд шоири Р. Берннинг:

Дустликдадур обрў кучимиз,
Шу дустликни ардоқлайлик биз,
деган улмас мисраларини эслайман.

ҲАР КИМСАНИНГ НАСИБАСИ БОР

Ҳар тонг гуеки қишлоққа узгача бир сурур билан кириб, одамларга гайрат-шижоат бағишлаб кетади. Бу тал қам қишлоқ осмони кундагидан эрта оқарилади. Бир тала кушлар шодан-шоҳа утиб чуғурлашди. Қуй-қушларнинг маъраши авжга чиқиб, табиатдаги сокинлик ўрнини жўшқинлик эгалади.



Мавсумда жамоа ҳужалигининг 733 гектар майдонига ўзанинг «АН Боевут-2» нави экинган эди. Ҳозир дуркун усаётган гузалар қузни қуналади. Айниқса, Араббой Наҳлиев, Мамат Нектаев, Ражаб Наврузов ва Муродилла Қодиров даладарига гузалар баравар ривожланипти. Ниҳоллар 2-3 марта қондириб суртирилди. Улар керакти утилар олди. Ҳозир айни ҳосил туғадиган палла. Гузаларда қураклар купайяпти. Айрим даладарда очилган пахталар ҳам қузага тапланади. Булик-булик қураклар дуппи-дуппи оқ олтинга айланапти.

Сирдарь туман Охунбобоев номли жамоа ҳужалиги худудига 5,5 минг аҳоли истиқомат қилади. Меҳр-оқибат бор жойлагига иззат-ҳурмат бўлади. Ҳужаликда етиштирилган ноз-неъматдан унинг ҳар бир аъзоси баҳраманд. Ҳосил мул бўлса, баракча ортади. Жорий йилда пилла режаси ортгани билан бажарилди. Охунбобоевликлар давлатга олий навли 10 тонна-ю 100 килограмм пилла топшириб, ўз ваъдалари устидан чиқишди. Афсуски, туман пиллачилик илораси ҳужалик билан 1995 йил ҳосилини ҳам ҳанузгача ҳисоб-китоб қилгани йўқ. Яхшики, жамоа ҳужалиги бошқаруви иш юритишининг узига ҳоли йилини топа олди. Пилла тутган хондонларга қушимча миқдорда бугдой ва ет тарқатилди. Ҳозир одамлар бирор юмушга қизикмас, ишнинг унуми пасаяверди.

Даладарни ез офтоби роса қиздирди. Шундай жазирамада ҳам бободехқон уз далада етиштирилган ҳосилни саранжомлаб олди. Бу мавсумда й. Охунбобоев номли жамоа ҳужалигида 458 гектар ерга бугдой экинган эди. Бугдойзорлар 20 нафар ижарачига 23 гектардан бўлиб берилди. Шартномага қура 38,2 центнердан ҳосил топширишига келишилган. Шундан ортгани талликорнинг узига мукофот. Жумладан, Фарход Ходов 32 гектар бугдойзордан 51 центнердан 162 тоннадон етиштирди. Оқибатда шу оила 42 тонна донга, Турсунбой Тўйчиевнинг оиласи 31 тонна донга эга бўлишди.

Жамоа ҳужалиги галлакорлари давлатга мустақилликнинг бешинчи йили 975 тонна сарв дон топширдилар. 1997 йил учун сифатли уруғлик жамгариб қуйишди. Гайрат қўрсатган охунбобоевликлар туманда биринчилардан бўлиб давлат буюртмасини бажаришди. Илгир жамоа ҳақида туман ҳокимининг биринчи уринбосари Турғун Обидов шундай дейди:

— Бу жамоа ҳужалиги ҳар йили пилла, талла, пахта ва бошқа экинлар етиштириш буйича режаларни ортиғи билан адо этмоқда. Бунинг узига

хос омиллардан бири жамоада фидойи миришкорларнинг қулидир. Қолаверса, иқтисодини, ишчи қузини яхши биладиган, ташаббускор раҳбар ҳужаликни бошқармоқда.

Одамлар бу ерда бозор қонунарига урганиб қолишган. Бутун 21 та фермерлар ва сувон ишлаб чиқарилган цех фаолият қўрсатапти. Шунингдек, 30 дан ортиқ ҳусусий дуконлар, 5 та умумий овқатланиш корхоналари, 3 та новвойхона, 2 та этикдулик устаконаси, 3 та сартарошхона, ҳаммом ва кичик корхоналар одамлар хизматига. Барча турдаги тадбиркорларга ер ажратиб берилган. Ҳужаликда 62 гектар майдон бог-роғларга айлантирилган. Қисқа фурсатда 10 гектар майдонда теракзор яратилди.

Охунбобоев номли жамоа ҳужалиги бошқарувининг раиси Исоқул Қушбоқов ўз жамоаси ҳақида шундай дейди:

— Унумдор ерни сўдирган одамни ҳеч ким кечирмайди. Бу ўза гуноҳ иш. Илоҳим Худо бизни шундан асрасин. Ердан ва илчи кучидан турти фойдаланса, ҳосил мул бўлаверди. Эгасини топасинга ер туғлаб-яшайди, ундан олинадиган ҳосил ортади. Вақтида ути, вақтида сув берилган. Ҳосил натижасини шулар ҳақ қилади.


Утан йили меҳнатчиларга 34 тонна усимлик еғи, 81 тонна ун, 10 тонна гуруч, 200 тоннадан ортиқ галла, 35 тонна омухта ем тарқатилган бўлса, бу йил ундан ҳам кўп тарқатилди.

Жамоа ҳужалиги истиқлолнинг беш йиллигини муносиб туҳфалар билан кутиб олишга ҳаракат қилмоқда. Айни пайтда 95 фоиз хондонлар газлаштирилган. Ҳозир МСПМК-335 маҳсуе курилиш бригадаси бу ишни якунлаш учун астойдил ҳаракат қилмоқда. Ҳужалик худудига электричка бекати куриляпти. Меҳнатқилларнинг фарзандлари учун 3 та янги мактаблар ва болалар боғчалари мавжуд.

Давлатурад САЪДУЛЛАЕВ,
Эркин ТҶЛАГАНОВ,
«Қишлоқ ҳаёти» мухбирлари.

Жалолқудук туманидаги «Ёрқишлоқ» халқ корпорациясида бошқа соҳалар каби картошкачилик ҳам ижарачиларнинг фидорокона меҳнати туфайли тобора ривожланиб бормоқда. Ижарачи Аҳмажон Воҳидов (суратда) бу йил 2 гектар картошқадан режадаги 165 ўрнига 200 центнердан ошириб ҳосил олишга муваффақ бўлди.

Х. АРАББОУЕВ олган сурат.



ПАХТАКОРТА МАДАДКОРМИЗ

Дехқон ез буйи қилган меҳнатининг ҳосили ҳирмонга тушадиган қушар йқин. У режадаги оқ олтинни ундирай деб танин билмади. Энди бўлса, маржон-маржон туқилган тер, катта харажат ҳисобига етиштирилган дурни саранжомлаб олиш таъшишди.

Шу долзарб даладарда ҳаммамиз пахтакорга маълумкор бўлмоғимиз даркор. Чунки пахта давлатимиз иқтисоли таянчи, халқимизнинг ризқ-рузғ, бебаҳо бойлиғимиз. Миришкор меҳнатини қадрлаган одам дурнинг бирон мисқолини ерда қолдирмайди.

Шу йил 22 августдаги Вазирлар маҳкамасининг қарорига биноан маҳсуе талбирлар туздиқ. Корхонамизнинг ишлаб чиқариш қуввати кенгайтирилди. Унни қопта солмай келтириб саклайдиган мосламаларни урнатиш, корхона тобини қайта таъмирлаш ишлари ниҳоятга етказилмоқда. Мавсумда кунига 15—18 тонна сифатли нон тайёрлашни муқалламиймиз.

Шунингдек, 14 та тракторни жиҳозлаб, уларга нон та-

шийдиган машинанинг олди қисми урнатилиди. Яна 18 та трактор эгаси билан шартнома тузилган. Улардан ҳам нон ташишда фойдаланиляпти. Даренинг нарти соҳилидаги жамоа ҳужаликларига 1,5—2 йилдан бери нон олиб борилмаётган эди, узилгаш барҳам берилди.

Бундай усулнинг яна бир эътиборли томини шундаки, машина урнатишда фойдаланилган битта трактор бир йилда 120 минг сум иқтисод келтирляпти. Унинг устига бу техника даредан бемаълот уга олади.

Инсон вазиёсига сикдикли ёшласа бирининг улмасидан чиқадил. Йил бошда тумандаги мавжуд дуконлар куриниши ночор эди. Қайта куришга беҳад катта маблағ кетади. Раис ҳаммаши тулаб маблағ солди. Купнинг фикри бир жойдан чиқиб хашар йули билан 127 та дукон таъмирланган чиқарилиди. Фақат зарур нарсалардан ердам қилинди, холос. Байрам арафасида эса битта дукон ва «Тожикистон» жамоа худжалигига тегирмон курилиб фойдаланишга топширилди.

Илгари имкон топилди, деб беэиз айтишмаган. Илгари очилди, сунг тухтаб қолган цехлар ишга туширилди. Утан йилини шу даврига нисбатан минг декларти спиртезичлик, 1,8 тонна музқаймақ куқ ишлаб чиқарилиди. Савдо хизмати қўрсатиши ахиллаш мақсадида куриқ-танлов ташкил этилди.

Ноннинг сифати ва ҳуш-таъмиги қуш жиҳатдан нонвойнинг маҳорати бағлиқ. Энг азиз насба элга манзур бўлсин деб меҳнат қилаётган новвойлар жамоамизда оз эмас. Соҳа захматқилари ҳақида тап кетганда смена усталари Исроил Набижонов, Раимкул Эргашев, Ислоом Олтишев, бош лаборант Олимжон Муьйинов, шунингдек, уста новвой Муҳаммадқул Қодиров, шогирди Эгамкул Султонов номларини алоҳида тилга олиш даркор. Уларнинг гайрати, касбига салоқати туфайли эл дастурхонага етарли миқдорда маза-бу обинон, буханка нон ва булоқчалар етказиб берилляпти.

Энди йилгим-терим мавсумини ҳам уюшқоқлик билан ниҳоятга етказаск марра бизники. Умумалқ ишда биз ҳам муносиб ҳиссамизни қушамиз.

Абдураул АХМЕДОВ,
Бекобод туманидаги
ҳиссадорлик ишлаб
чиқариш бирлашмасига
қарашли нон заводи
раҳбари.

ОҚИБАТЛИ КИШИЛАР

Баҳодир ҶРИНОВ,
Янгиариқ туманидаги «Наврўз» жамоа ҳужалиги бригада бошлиғи

Асл пахтакорлар оиласида воғта етдим. Утмишни эсласам, заршунослар меҳнатига ачинаман. Чунки улар йил — ун икки ой заҳмат чекиб ишлаб бирлари икки бўлмади. Пешона тери эвазига етиштирилган оқ олтин хом аше сифатида сув текинга соқилди. Орзу-ҳавасимиз 5-6 моллимиз ҳисобидан буларди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин ҳастимизда туб ўзгаришлар содир бўлмоқда. Бир нақтар ҳатто орзу қилиб бўлмайдиган ниятлар рўебга чиқмоқда. Турт йилдан буен пахтачилик гектар ҳосилдорлиги 40 центнерни ташкил элди. Бу бизнинг шароитда юқори қўрсаткич ҳисобланади. Жорий йилда эса 51 гектар пахта майдонидан 41 центнердан ҳосил йиғиштириб оламиз. Серхосил, машинабоқ бўлиб усаётган гузалар фидойи меҳнат натижаси. Ҳар тупида камда 15 талдан қурақ бор. Дала ишларини намунали ташкил этишда Сунажон Сотимова, Зокир Жуманиевларнинг тажрибалари қул келди.

Дон мустақиллигини таъминлашга ҳам камтарин ҳисса қушдик. 10 гектар ерда галла етиштиридик. Ҳосилдорлик гектарига 38 центнерни ташкил элди. Норғул Машрапова каби зарблорларимиз 1 тонна атрофида бугдойга эга бўлишди.

Узимизга қарашли 6 гектарли ерда сабзавот, полиз махсулотлари етиштирдик. Бу қушимча даромад дегани. Кишилар уртасида ҳаммаҳватлик, меҳр-оқибат тобора мустаҳкамланиб бораётганлиги мени жула қувонтиради. Яқинда кул болали Малика Матчонованинг уелини уйлантиришга баҳоли қудрат ердам бердик. Мустақиллик айёмини барчамиз муносиб совғалар билан, аъло қайфиятда қарши олмақдамиз.

ҚАТМА БОЙЛИК ЭТАСИМАН

Аҳмадҷон АҲМАДОВ,
Хонқа туманидаги «Хоразм» жамоа ҳужалиги ижарачиси

Мулқнинг давлат тасаруфидан чиқарилиши, тадбиркорликнинг кенг қўллаб-қувватланиши истиқлоқ бизга яратган катта имкониятлардан бири бўлди. Хонқалиқлар бебаҳо бойлигимиз бўлиши ерни қадрлашнинг мул ҳосил етиштиришнинг ҳадисини олишган. Узимиздан қиёс. Отам Матчон дехқон воҳанинг энг тажрибали миришкорларидан бири. Шу боис биринчилардан бўлиб ҳужалик билан шартнома асосида ишлашга ўтдик. Пахта майдонининг атрофида ошқовоқ, маккажўҳори, турп етиштиряпмиз, 500 туп ёғочбоқ дарахт экидик. Худо хоҳласа 5 тонна ошқовоқ, 1 тонна макка дони ҳамда чорвамизга етадиган дағал хашак йиғиштириб олиш ниятидамыз. Ошқовоқ ва макка дони ҳисобига даромад камда 22 минг сум бўлиши кутилмоқда. Агар ёғочнинг донаси ҳозирги бозор нарҳида 500 сумлигини эътиборга олсак, яна 250 минг сум чўнтакда даяверимиз. Харажатлар 10-15 баравар бўлиб қайтыпти. Торморқамизда эса сабзавотдан баракали ҳосил етиштирдик.

1,8 гектар майдонда Ф-175 навли чигит экиб ўза парваришини намунали таш

1996 — Амир Темур йили

Яккабоғ қишлоғидан чамаси бир тош йул нарида, қир-адирлар бағрида Самоқ қишлоғи ястаниб етди. Шу маънада илон изи сўмоқлар, қуддираб қуйловчи чапмалар, уфққа уқталган чуққилар куйинидаги Хайларбулоқ, Навқишлоқ, Калтақул қишлоқлари бошланди. Бу жойлар ҳам Амир Темур номи билан боғлиқ ривоят ва нақлларга туга. Калтақул қишлоғи номи ҳақида халқда Соҳибқирон билан боғлиқ иккита ривоят бор.

Биринчи ривоят. Соҳибқирон уз атрофига навқар тулаб юрган пайтларида Калтақул қишлоғида бир кеча тунади. Унинг хузурига кексалар, йигитлар келишибди. Йигитлар сипоҳийликка олишни Соҳибқирондан сўрашади. Кексалар унга жуяли маънада беришади... Соҳибқирон кексалардан бу қишлоқнинг номи неча Калтақул деб, сўрайди. Шунда кексалар: «Эй амир, биз тоғ-тошлар орасида қолиб кетган эътибор, ҳамма нарсаси қулимиз етарвермайди, қулимиз калта! Шу боис «Калтақул» бўлиб қолган. Энди йигитларимиз хизматини тизга қилиб, тоғ-тошлардан чиқиб узоқ-узоқлардан билан алоқа урнатса, зора қулимиз узайса...» дейишади. Соҳибқирон кексаларнинг бу сўзидан мутасассир бўлиб дебдиларки: «Қачонки, юртда тиқлик, осойишталик урнатсақ, шундангина қулимиз узун, фикримиз тегин бўлади!». Ушундан Калтақул қишлоғидан юз нафар йигит Соҳибқирон хизматига утган экан...

ҲАЛОЛЛИК ВА ПОКЛИК РАМЗИ

дан қаноатланиб, унга тасанно айтибдилар. Сунг узлари ҳам ором олишга тугинибдилар. Эртаси кунни лашқаргоҳдаги йиғинда ҳалғи сипоҳийнинг сўзларини кўччиликка айтиб, «биз тоққа чиқиб кетдик. Шундай юксакликка кўтарилдикки, энди ейиларнинг қули калтадир» деган эканлар...

Калтақул қишлоғидан сунг Чакмонқули доловон бошланди. Бу ерлар табиат муъжизаси! Атроф фусункор, айланма сўмоқлари парку бутули ложауард осмон чексиз-четарасиз ҳаёлларга гарқ етди. Мана шу тоғ-тошлар, орасида Соҳибқироннинг айни йигитлик давлари турли тарзда кечган: у гоҳ кичик-кичик туғаларга қулидиб тоғ-тошларни кезган, гоҳ курул ва лашқар тулаб, турли машқлар олиб борган. Бу воқеаларнинг аксарияти Хисор тоғ тизмалари орасида, мана шу Калтақулдан бошланганидан юксак тоғ чуққилари, дара ва доловонлар, горлар ва сойларда кечган. Калтақулдан бошланганидан тоғ чуққиларида Амир Темур номи билан боғлиқ тарихий жойлар ниҳонда кўп.

Калтақул қишлоғи номи билан боғлиқ ривоятларнинг ҳақиқати шунки, Соҳибқирон айни йигитлик йилларида олиб борган ҳарбу зарбани қандайдир ҳаётдан узилган саъй-ҳаракатлар эмас, ул зотнинг ҳамиша эл билан бирга бўлганлиги, унинг оруз-умидларига мос иш тутганликларига далолатдир. «Калтақулдаги сўхбат» Мовароуннахр

тахтини эгаллашдаги илк саъй-ҳаракатларнинг дебочаси бўлиб, кейинчалик у катта-катта маслаҳатларга, талбир кенгашларга айланган.

Соҳибқирон замонларида турмушнинг барча жабҳаларида адолат, ҳалоллик, поклик тантана қилди. Айниқса, инсоний муносабатларда, оила муқаддаслигида ҳар бир фуқароннинг ҳалол ва покломон бўлиши юксак тақомилга кўтарилди. Исломи шари

Мулозим йўллаб, ул оқизанинг эрқанини топдириб келтирдик. Савоат айладики:

— Нечук завқангизни от сугорғали йўлайсиз? От сугормоқ эрқак кишининг хизмати-ку?!

— Соҳибқирон, — жавоб айлади ул киши, — от боқиб ҳам, от сугориб ҳам эрқакнинг юмуши эканини билман. Аммо уйимга қоллонсифат турт навқарин тушибди. Уларнинг ниятини билмасман. Шул боисдан айтганим от сугормоққа йўллаб, уйда қолган икки буйдор қўларимни қуриқламоқ истайдим...

Биз мулоҳазага берилдик. Ва уз хатойимизни англаб, ҳаммилликка қарор бердик: бундан бу етда навқарлар хонадонларга жойлаштирилмасин. Навқарларим яланг утлоқ ва сувлоқ жойларда қолдирилди умргузаронлик қилишсин.

Кўкбулоқ қишлоғига қуш мураласидан навқарларни хонадонлардан чиқариб, қолдирилган жойларим ва шу тариқа эл осойишталигини таъмин этдим...

Кўкбулоқ қишлоғи Хисор тоғ этақларидаги сулим оромгоҳ. Бу қишлоқ номи билан бир вақтлар Кўкбулоқ тумани ҳам бўлган. Ҳозир Қамаш тумани маъмурасига кирди. Кўкбулоқ қишлоғи сойида Амир Темур номи билан аталган бир неча тарихий жойлар бор. Шулардан бири Соҳибқирон оти учун қилинган «тош оҳу»дир. Тош оҳу енида булоқ қайнаб чиқиди...

Кўкбулоқдан юқорида Ҳазрат Лангар ота зияратгоҳи бўлиб, зияратчилар ана шу булоқ енига қуниб утадилар. Эҳтимол, Кўкбулоқ атамаси ана шу зилол сувли кўкбулоқдан олингандир. Кўкбулоқликлар Соҳибқирон ҳақида аjoyиб нақлларни ривоят қиладилар. Кўкбулоқ — ҳалоллик ва поклик рамзи бўлиб, ҳамон қайнаб турибди...

Ғулмон ҒАҒУРОВ, филология фанлари номзоди.



МАКТАБ ҲАЁТИДАН УСТОЗ ИШОНЧИ

— Менинг умрим қирқ беш минутлар мазмунига сунглиб кетган, — дейди Ҳамида опа жилмайиб. Унинг устозлик фаолиятига ҳам йитирма бир йил тўлди.

Дарахт барги билан, инсон меҳнати билан қуркам деганларидек, Ҳамида опани ҳам қуркам қилган, эл-юрт орасида хурмат-эътиборини оширган унинг шонли меҳнатидир. Муқим бир жойда 10-урта мактабда ҳаётда чинқиқди, тоблаиди, Уқитувчилик шарафли касбини уз меҳнати билан зийнатта бурқиди. Эндиликда унинг дарс утишдаги услуби қўшлар учун тажриба мактаби бўлиб қолди.

— Қундалик дарс утиб кетаверади, — дейди моҳир муаллима. — Лекин у қай даражада узлаштириб олиниши кўп жиҳатдан уқитувчининг маҳоратига, изланишига боғлиқ. Ангрэн педагогика институтининг математика куллигини 1975 йилда аъло баҳоларга битирган Ҳамида Раҳматуллаева уз хизмати давомида чуқур билим беришга ҳаракат қилади. Ҳар бир дарсни қурғазмал қуроллар асосида техника воситаларидан фойдаланган ҳолда, далилларга суяниб утилишни таъминлайди. Шу боисдан уқувчилар юз фоиз узлаштиришга эришиб келаётдилар. Утган уқувчилар тажрибали устоз раҳбарлик қилган юқори синф уқувчилари давомат ва узлаштириш жиҳатидан мактабда энг юқори қуратқичга эришибди.

Шоғирдди устоз мевали дарахтга уқшади. Бунга Ҳамида опани ҳам қисс қилса бўлади. Чунки ундан билим олиб, тарбия қурган юзлаб ёшлар уз ақл-идроки, юксак фазилятлари билан халқимиз хурматини қозонмоқда. Устоз ишончини оқламоқда. Туман ҳокимлигида ишлайётган Ш. Тошпулатов, иқтисодчи Р. Асқаров, муҳандис М. Раҳматуллаев, шифокорлар Б. Намахонов, Н. Нодировалар, уқитувчи Н. Гойибназарова, деҳқон-фермерлардан А. Абдураимов, Ф. Мирзаевлар ана шулар жумласиндандир. Улар ҳозир халқ хужалигининг турли соҳаларида мустақил республикамизнинг равнақи йўлида филокорона тер тукмоқдалар.

Ҳамида опа улар билан ҳақли равишда фахрланади, қувонади. Негаки, меҳнати сингган, қалб қури туқилган. Гавҳардек билиминини, бой тажрибасини, қуч-ғайратини бахшида этган.

А. МАТКУЛОВ, Юқори Чирчиқ тумани

МУРУВВАТ

Янги ўқув йили олдида Наманганда камқар онилардаги ва боқувчис бўлмаган болаларнинг икки минг нафарига бепул кийим-кечак ва пойналар берилди. Бу мурувват тадбири вилоят ҳокимлиги томонидан амалга оширилди. Бу юртга икки нафар ишлай чиқариш ва «Камолот» акциядорлик жамиятлари ҳам бу тадбирга узларининг муносиб хиссасини қўшибди.

Вилоятнинг барча туман ва шаҳарлари ҳокимликлари бу хайрият тадбирини фаол қўллаб-қувватлади. Шу тариқа, янги ўқув йили арафасида вилоятда беш мингга яқин болага совға улашилди.

Шоир инъоми

ГўЗАЛ ДИЁР

Ўзбекистон гўзал диёр, Саодатга меҳнати ёр. Сехри бору ҳикмати бор! Шоирлари, ҳофизлари — Ҳалолликка айтар аёл! Шош ўзига бериб оро, Гўдай бўлиб бора-бора, Шухрат ёйди жаҳон аро Самарқанду ул Бухоро, Ҳам Фарғона дилан моро! Дом оқиб пок теримиз, Яшнашга жон еримиз. Кўз-қўлайди гўзаллигини, Хива, Жиззах, Қарши, Термиз, Бизлар марду майдон эрмиз!



Анджону Наманганим, Муҳаббатда ёнган таним, Мирзабўлим - Тудистоним, Куч-қудратта тулган оним, Улар шаъни-менинг шаъниним!

ЭЙ, ПАРИРҮ

Севгининг йўқ арзони, Эй, парирү позанин - Бу жонингми ё танинг, Сезилгангми ёнганинг! Не сабадан қуясан, Ўзи кимни суйсан? Дилингдагин билмасман, Ишқинг ичра лек мастман, Кенг очилиб йўлларим, Узатилган қўлларим - Етса, диллар бирлашса, Тўйиб-тўйиб сирлашсак, Худойимдан сўрайман, Сени бахтга ўрайман, Париларинг вориеси, Дардларимнинг дориси, Менинг опоқ тонгиннам, Ошақ ўзинг жонгиннам! Ошақ Йўлош сўзи чин, Туғилганман сен учун!

ХУРОСОН БАДАДИР, ҲИРИЙ ЖОН АНГА, ҲИРИЙ ЖОН, БАДАДИР ХУРОСОН АНГА, АЛИШЕР НАВОИЙ.

О, Хирот, бобомнинг Ҳирийси, жони, Дилимда урпатли муҳаббат қони. Ўз шаҳрин ҳамма ҳам шундай сўёлса, Гар ёза олмаса мендай уялса! Қайси бир мақомга етди фарёдим, Ҳавога учгандай кетди фарёдим. Боиси вуҷудим ёнмаганидан, Бугундан бошқача босаман қадам: Орзуим, Фарғона, ишқингда қуйсам, Навоий Хиротни суйгандай суйсам!

КҮНГИЛ ДАРАХТИ

Кўнглимда кўкарди шу дарахт, Ошиқлингм дарди шу дарахт - Нега қаттиқ бўрон ичида қолди. Эгилди ва аммо қучида қолди. Муҳаббатсиз нигоҳ юрагимга ўқ, Ахир сендан ўза суйингим йўқ, Ҳузурингда бошни эгсам арзийди, Эй, ўзимнинг севгим, эй, нури дийдам!

Йўлдош сулаймон

ХАЁЛДАГИ ХАТ

Ақду поклик ҳамиша Қамолотга етаклар. Раҳм-шафқат ҳақида Айтилади эртаклар. Меҳрингиздан сув ичиб, Жонлар олган оромни. Одамийлик тузғандир, Ниятингиз маромни! Саховатга кўз бериб, Иштилагисиз устозга, Давлатингиз Ватандир! Дёнбата дил ёзган — Имон Сизга шон-шандир! Қалбингизнинг булогини, Ойдин, Қайлар, Қулашдир...

Вале Яйпан оми зар, Гўзал Нурсух, Қонизар... Ақду идрок ё дошдир! Хаёл ёзган бу хатим - Адоғи йўқ, хурматим, Теза дилим - ҳайратим!

ИШҚИЛИК ХАБАРЛАР

- ФАРҒОНАДА мамлакатимиз мустақиллигининг беш йиллиги ва буюқ соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган байрам утказилди. Шу кунни шаҳардаги Амир Темур номли куча айнакка гавжам бўлди. Унда Ўзбекистон давлат байроқлари хишраб турди. Катта концерт намойиш этилди. Спорт мусобақалари утказилди.
● АСАКАДАГИ «УЗДЭУ» автомобил заводиди тайерланган енгил машиналарнинг дастлабки туркуми Қашқадарё вилоятига ҳам етиб келди. Вилоят «Автотеххизмат» очиқ ҳиссалорлик жамияти автосалонига 22 та шундай машина қўйилди.
— Корхонамизда автомобилларни сақлаш учун махсус автосалон қурилди, ишлаб чиқариш биноси эса таъмирланди, — дейди жамият раиси И. Асадов. — Уларга техник хизмати қуратиш учун икки нафар уста уч ой Жанубий Кореяда ўқиб келди. Яна икки киши малака оширяпти. Биз август ойининг узидак 250 талдан кўпроқ «Тико», «Дамас», «Нексия» машиналарини сотиш ниятидамиз.
● Мамлакатимиз мустақиллигининг беш йиллиги арафасида Фарғона туманидаги Чимёнсана посёлкасида темир йўлчилик санаторийси, фойдаланишга топширилди. Юз уринли бу шифохонада дам олувчилар саломатлигини мустаҳкамлаш учун барча шароитлар яратилган.



БАХТИЁРЖОННИНГ БАХТИЁР ОНЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 5 йиллиги муносабати билан утказилган «Ўзбекистон — Ватаним мақом» кўнниклар кўрик-танловининг халқимиз маънавий ҳаётида унутилмас воқеа бўлганини тарих ўз зарварқаларига ўчмас қилиб муҳрлади. Ватан тўғусен халқимизнинг қалб торлариди сарбаладан акс садо берди. Ўзбекистон — келажакни буюқ давлатга ифтихор тугтулари фахримизга янада фахр қўлди. Иқтидор соҳибларини элимизга танитди. Пойтахт вилоятининг Ўқу туманидаги Темурзонов номли жамоа ҳўжалиги худудиди 25-мактабнинг 5-синф ўқувчиси Бахтиёр Умиров кўрик-танлов ҳайъати қарорига мувофиқ қолдилар сафидан ўрин олд. Унга «Она юртим» қўшиғи ижроси учун иккинчи мукофот берилди.

Ушбу сурат-лавҳа Бахтиёрнинг бахтиёр оналаридан ҳикоя қилса, не ажаб! Н.МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

ДРОПП УЛЬТРА — самарали дефолиация воситаси

Дроп Ультра препараты ҳаво ҳарорати нисбатан паст шароитда ҳам қўлланилиши мумкин бўлган, гўза шохларини куйдириб-қурқатиб юбормасдан, баргларини яшил ҳолатда тўкишга мўлжалланган, ҳосилдорликка путур етказмайдиган ҳамда пахтаннинг тоза терилишини таъминлашга хизмат қилувчи энг замонавий дефолиантдир.

Пайкалар сугорилганига ҳали кўп вақт бўлмаган, қатор ораларида намлик сақланиб турган пайтда, ҳар бир гўза тупида 3-6 та кўрак очилганда дефолиация қилиш яхши натижа беради. Ўзбекистонда қабул қилинган мезон бўйича Дроп Ультра дефолиантдан ўрта толали пахта навлари учун гектарига 0.6 литр, ишгича толалиларга эса 0.8 литр сарфлаш мақсадга мувофиқ.

Қўшимча маълумотлар юзасидан, Германиядаги «АгрЭво» фирмасининг Ўзбекистон ваколатхонасига мурожаат этинг.

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Юлиус Фучик кўчаси, 7-уй, 56-квартира, Тел.: 33-35-25, Факс: 30-20-31.



Бош муҳаррир Неъмат ЁҚУБОВ

Рузнома таҳрир хайъати: Расулмат ХУСАНОВ, Мирзажон ИСЛОМОВ, Маҳмуд МИРЗАЕВ, Эрқул ЗИКРИЕВ, Сиддиқжон МУҲАМЕДЖОНОВ, Мирғиёс ҚАЮМОВ (бош муҳаррир уринбосари), Суннатилла САЙДАЛИЕВ, Обиджон ҒОҒУРОВ (масъул котиб), Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ.

Рўйхатдан утиш тартиб рақами: 6. Буюртма Г—0494, ҳажми 2 босма табақ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2. Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди 19.30